

## VIII. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йил январь-декабрда чакана товар айланмаси 23 783,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қўйидагича ифодаланади

	млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--	-------------------------------------

Жами	23 783,1	105,2	100
------	----------	-------	-----

шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:

давлат мулки	141,1	167,6	0,6
--------------	-------	-------	-----

нодавлат мулки	23642,0	105,9	99,4
----------------	---------	-------	------

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-декабрда 23 783,1млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 8506,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,8 фоизга ошган.

**2017 йил январь-декабрда чакана савдо айланмаси  
таркиби қуйидагича ифодаланади**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Якунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>23 783,1</b>	<b>105,2</b>	<b>100</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	11354,3	117,1	47,7
Якка тартибдаги тадбиркорлик	8506,1	101,8	35,8
<i>ишидан: уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)</i>	<i>3922,7</i>	<i>86,1</i>	<i>16,5</i>

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 1243,1 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-декабрга нисбатан 105,8 фоизга ўсади.


Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблагандан 103,6 фозга ошди ва 9727,7 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-декабрь ойларида 7998,4 минг сўмни ташкил этган).

**2017 йил январь-декабр ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
чакана савдо товарайланмаси (туманлар кесимида)**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Тошкент шаҳар бўйича:</b>	<b>23783,1</b>	<b>105,2</b>
<i>туманлар:</i>		
Бектемир	2750,6	100,1
Мирзо Улугбек	1109,6	112,1
Миробод	1297,2	109,8
Олмазор	935,0	108,8

Сергели	1317,8	106,8
Учтепа	2844,2	98,2
Чилонзор	4284,6	107,5
Шайхонтохур	3216,4	99,6
Юнусобод	2372,2	108,4
Яккасарой	916,1	112,4
Яшнобод	1344,1	108,7

**2017 йил январ-декабр ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича чакана савдо товарайлланмаси ўсиш суръати (туманлар кесимида)**



2017 йил январ-декабр ойларида чакана савдо товарайлланмаси, Мирзо Улугбек (112,1 фоиз), Яккасарой (112,4 фоиз), Олмазор (108,8 фоиз) туманларида ўсиш суръати

юқори кўрсаткичга эга бўлди. Энг кам кўрсаткичларни Учтепа (98,2 фоиз), Шайхонтоҳур (99,6 фоиз), Бектемир (100,1 фоиз) туманлари қайд этди. Тошкент шаҳрида юқори ўсиш суръатларини таъминланиши, аввало аҳоли реал даромадларининг ўсиши, якуний истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ.

2017 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 37 529,4 млрд. сўмни ташкил қилди. 2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 114,6 фоизни ташкил этди.

**2017 йилнинг январь-декабрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>якунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами хизматлар</b>	<b>37 529,4</b>	<b>114,6</b>	<b>100,0</b>
<i>Шу жумладан хизмат турлари</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	3 764,9	120,7	10,0
молиявий хизматлар	8 761,1	146,9	23,3
транспорт хизмати	4 947,9	111,8	13,2
шу жумладан автотранспорт	3 380,5	101,4	9,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	1 506,6	119,3	4,0
савдо хизматлари	10 273,4	100,0	27,4
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган	1 707,8	103,4	4,5
таълим соҳасидаги хизматлар	1 830,7	121,7	4,9
соғлиқни сақлаш соҳасидаги	636,2	111,4	1,7
ижара ва прокат хизматлари	743,0	101,7	2,0

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь- декабрга нисбатан фоиз хисобида</i>	<i>якунга нисбатан фоиз хисобида</i>
компьютерларни ва майший товарларни таъмирилаш хизматлари	191,0	101,0	0,5
бошқа шахсий хизматлар	488,2	101,6	1,3
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	847,4	111,9	2,3
бошқа турдаги хизматлар	1 831,3	105,1	4,9

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 27,4 фоизи), молиявий (23,3 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (146,9 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар (120,7 фоиз), яшаш ва овқатлантириш хизматлар (119,3 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (111,4 фоиз), компьютерларни ва майший товарларни таъмирилаш хизматлари (101,0 фоиз), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар (103,4 фоиз), ижара ва прокат хизматлари (101,7 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларида (105,1 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

**2017 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқарышнинг  
иқтисодий фаолият турлари қуйидагича**

